

“БУ ЕРДА ОЛИЖАНОБ ХАЛҚ ЯШАЙДИ”

Бошланиши биринчи саҳифада.

Эрта тонгдан бошланган шодиёна бизни ҳам оҳанрабодек ўзига тортиди. Тўкин дастурхон атрофида кўшиқ тинглаб роҳатланаётган одамлар, уларга кўрсатилаётган иззат-эътибордан мамнунлик барчанинг юз-кўзида балқиб турибди. Даврабоши бизни турли номинациялар бўйича совғаларни топширишга чорлайди. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, камина, ёзувчи Қўшқор Норқобил ўртага чиқиб, голибларни даврага чорлаймиз. “Ибратли қайнона ва келин” номинацияси бўйича Зебинисо она Абдувалиева ва унинг беш нафар келини – Гулбахор, Наргиза, Дилафрўз, Гулҳаё ва Одинахонга совғаларни топшираётганимизда манаслик келинчақлар дугоналарига ҳавас ва фахр билан қараб турганини ҳис қиламан. Ҳа, доимо ибрат бўлишга интилиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган гўзал қадриятларимиздан, асрлар мобайнида муқаддас оила пой-деворига қўйилиб келинаётган олтин гишларни эслатади менга.

“Обод қишлоқ” дастурининг “Манас” қишлоғидан бошлангани бежиз эмас. Муҳтарам Президентимиз ишни қийин, оғир, машаққатли қишлоқдан бошламасак, одамлар бизга ишонмайди, бу ерда олижаноб халқ яшайди дегандилар.

Кўз ўнгимга қишлоқнинг аввалги ҳолати келади: увадаси чиқиб ётган кўчалар, пуф деса йиқилгудек эски уйлар, ва... булдозернинг тумшуги тега-тегмас кулаб тушайтган деворлар... Қишлоққа қаторлашиб оқиб келаётган қудратли машиналар... Улкан хашарга отланган эл...

2018 йилнинг қирқ беш кун қишлоқдаги кўп қаватли 34 та хонадонга баҳор нафасини олиб кирди. Илк марта бу хонадонларда чучмома, бинафшаларнинг ҳиди анқиди, эшик ва ромлар янгиланган, уйларнинг томидаги олтинчи йиллик қўшқорлар ўтмишга элқорилган, ипакларда-ларда куёш нури жилваланди. Йўллар асфальт қилинди. 1500 метрдан зиёд пйедалар йўлага, Кумушкентнинг марказий кўчалари кумушдек ярқираб кетди. 3000 туп мевали ниҳол, 3400 туп арча кўчати экилди. Ер ости сизот сувлари кўтарилишининг олди олинди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тадбирлари амалга оширилди. Эскирган трансформаторлар янгиланди. Кўп қаватли уйлар олдида тандирхоналар қурилди. 17 та болалар майдончасини қуришга киришилди.

Кўкбулоқ кўчасида катта дошқозонларда сумалак пиширилди. Унинг иси бутун қишлоқни тугди. Янги қурилган тикувчилик иншооти оёзлаб ёшларга кўчак очди. Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик завод ишга тушди. Бугунги кунда “Манас”да олти ярим мингдан зиёд турли миллатга мансуб аҳоли бир-бирига елка тутиб яшайди. Улар иссиқ-совуқ кунларида доимо бирга. Чинорнинг томирларидай бир-бирлари билан қирмашиб кетган. Улар бугун ҳам бир дастурхон атрофида баҳамжihat гурунглашишмоқда...



Даврага ижодкор дўстларимиз, биз билан борган санъаткорлар чиқиди. Халқимиз табиятан ижодкор, табиятан шоир, ёзувчи, санъаткор. Қўлида боласини кўтариб, даврандан кўз узмаётган аёллар ҳам уларни шеър айтиб эркалайди. Бир онахон олдимга келиб: “Яна бир шоира оламиз бор-ку, улар кўринмайдими?”

“Обод қишлоқ” дастурининг исми-ларини бир эслаб айтдик. Онахон: “Йўқ”, деб тураверди. Охири мен: “Турсуной Содиқовами?” деб сўрадим. “Ҳа, ҳа, – деди онахон. “Турсуной опам вафот этдилар, онахон”, дедим товушим титраб. Онахоннинг кўзларига мунг чўкди, юзларига фотиҳа тортиди. “Қанийди, ҳозирги “Манас”имизни кўриб, бир сўз айтсалар. Афсус...”

Ҳа, бугуннинг “Манас”и ҳаммага ўзини кўз-кўз қилгиси келади. Аввалги “Манас”га келиб-кечиб, меҳмон бўлиб юрганлар улкан ўзгаришлардан хайрат ва ҳавасини яшира олмапти...



лар. Сўхбатдошларимдан бири яқинда уларни йўқлаб келган кадрдонлари ҳақида сўз очиб, қишлоқни таниёлмай: “Бу ўша “Манас”ми, йўғ-ей!” деганини кула-кула завқ-шавқ билан гапириб берди.

Яна бир сўхбатдошим – уч ўғил, тўрт қизнинг онаси Анора Намозова. Анора опанинг турмуш ўртоғи Чўтбой Намозов бурун бригада бош-

лиги, кейин раис ва директор бўлиб ишлаган. Йиллар мобайнидаги бошдан кечирган машаққатлари, аҳолининг тоза ичимлик сувдан қийналгани, унутилган гул каби бир чеккада мунғайган қишлоқ манзараларини эслаб: “Ўтган кунларни ёзсам ҳали-бери тугамайди, ўқиган одамнинг юрагини эзадиган бир дoston бўла-

ди”, – дейди Анора опа. – Дилда дардинг бўлмаса, сардафтаримни кавлама, деган машойиҳлар. Йигилган дардларга қўлоқ соладиган одамнинг ўзи йўқ эди. Президентимизга минг бор раҳмат десак ҳам оз – чексиз раҳмат...”

Шу аснода манаслик келинчақ тандирга ёпиш учун саватга ёйган нонларини кўтариб, чиройли табассум билан олдимиздан ўтади. Тандирхона ҳам кўп қаватли уйларнинг ёнгинасида. Димогимизга хушбўй иссиқ нон иси урилгандай бўлади. Хаёлимдан машғур кўшиқ айланади. Тандир

анда янгиланган дунё бўлиб ўтира-

тўлиб узилди нон, узилди нон, момо...”

Тандир тўла нон – бу ҳаёт кўшиғи... Заминни боладай бағрига босиб, улгайтирадиган ҳаёт кўшиғи. Бу орада санъаткор инимиз Валижон даврадаги болакайларни атрофига тўллаб саволга тутди: “Катта бўлсанг ким бўласан?” Битта саволга ҳар хил жавоблар... Буруро қизалоқ эса жавоби бошқача: “Келин бўламан!” Атрофда-

гилар олқийлайди. Ажиб дунё! Болаликдан оналик китобини ўқишга та-раддул кўраётган манаслик қизалоқ.

**Кувончига тор келиб дунё,
Кушлар билан тиллашиб иноқ,
Сочи пахмоқ кўғирчоғини
“Болам” дея суяр қизалоқ.
Рўмолчага йўргаклаб уни,
Ювиб, тараб, кийинтириб оқ,
Аллеси-ла қаршилаб тунни,
Жой ҳозирлаб кўяр қизалоқ.
Ипак сочин елпиб шаббода,
Юлдузлар нур сочганда иноқ,
Келажакни бағрига босиб,
Ширин тушлар кўрар қизалоқ.**

Дунёнинг қайси бир пучмоқларида ўқлар отилиб, портлашлар юз бериб, беғуноҳ одамлар ҳаётдан кўз юмиб, ширин гўдаклар қисмати еру осмон оралиғида муаллақ қолаётган бир замонда орзуларга тўла қалб билан тонгни соғ-саломат қаршилаш, қишлоқларнинг қисқа мuddатда гулга бурканиб, чирой очили, Курьонни карим сураларининг гўзал қироатлари, халқимиз тилидаги чексиз дуолар – буларнинг бари юртдошларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши йўлида олиб борилаётган улуг ислохотлар самарасидир.

“Манас” қишлоғидаги ўзгаришлар айна баҳор палласида содир бўлди. Бугун қишлоқда шарқираб оқиб ётган тоза ичимлик суви, гуллаб, мева тукан дарахтлар, кўзни олгудек гуллар чамани ўз тилида шўкроналик қўшиғини қўйлаётгандай...

Боласини бағрига босиб, шодиёналарни томоша қилаётган суксурдек жувонни суҳбатга тортаман: “Отингиз нима?” “Саодат!” “Кизингизнинг исми-чи?” “Ҳадича”. “Тўхтанг, битта суратга тушириб олай!”

Нигоҳлари беғубор она-болаларни тасвирга оламан. “Бу суратни “Манас”нинг келажаги деб номлайман.” Жувон мамнун кулади. Ҳадича онасининг рўмолини ушлаб менга талпинади. Бу ҳолат қалбимга нақшланади.

“Юрган дарё, ўтирган бўйра”, дейди халқимиз. Эрталаб биз билан бирга келган қуёш уфққа оғаётганда бизни беозор манзилимизга етказган автоуловларга ўтираемиз. Дарё бўлиб, янада янгиланган дунё бўлиб ўтира-

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ШУҲРАТ АББОСОВ

Ўзбек маданияти ва санъати оғир жу-долликка учради. Миллий кинематографиямизнинг атоқли намояндаси, устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Шухрат Аббосов шу йил 25 апрелда 87 ёшида вафот этди.

Шухрат Солиҳович Аббосов 1931 йил 16 январда Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни тамомлагач, 1949 йили Тошкент тиббиёт техникуми, 1954 йили Тошкент театр санъати давлат институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти)нинг режиссёрлик факультетини тамомлади.

Истеъдодли санъаткор ўз меҳнат фаолиятини Янгийўл шаҳридаги Тошкент вилояти мусикий драма театрида режиссёр сифатида бошлади. 1958 йили «Мосфильм» студияси қошидаги Олий режиссёрлик курсини тамомлади. 1982-1986 йилларда «Ўзбекфильм» киностудиясида режиссёр, кейинчалик директор, Ўзбекистон кинематографлари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори каби масъул лавозимларда самарали меҳнат қилди.

Ўзининг 60 йилдан зиёд ижодий фаолияти давомида миллий театр ва кино санъати ривожига катта ҳисса қўшган Ш.Аббосов томонидан яратилган «Майсаранинг иши», «Оғриқ тишлар» каби спектакллар, «Сен етим эмассан», «Маҳаллада дув-дув гап», «Тошкент – нон шаҳри», «Абу Райҳон Беруний» сингари бадиий фильмлар санъатимизнинг олтин фондидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади. Бетақорор ижодий маҳорат билан йўғрилган ушбу асарлар ўзбек халқининг қадимий ва бой тарихини, унинг олижаноб инсоний фазилатларини бутун дунёга тараннум этишга улкан ҳисса қўшди.

Ўзбек маданияти тарихида муҳим воқеа бўлган мазкур киноленталар кўплаб нуфузли халқаро кинофестивалларда совринли ўринлар ва дипломлар билан тақдирланган эди.

Шухрат Аббосов моҳир ва тажрибали педагог, талабчан устоз сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатиб, кино санъати соҳасида ўнлаб истеъдодли ёшларни тарбиялашда билим ва истеъдоди, куч-ғайратини аямасдан меҳнат қилди.

Шухрат Аббосовнинг ўзбек кино ва театр санъатини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони, Давлат мукофоти, «Эл-юрт хурмати» ордени ва бошқа катор орден ва медаллар билан муқофотланган эди.

Камтарин инсон, танкичи санъаткор, меҳрибон устоз Шухрат Аббосовнинг хотираси қалбларимизда доимо сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Н.ЙЎЛДОШЕВ, Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ, Б.САЙФУЛЛАЕВ, Ф.ЗОКИРОВ, Б.ЙЎЛДОШЕВ

Газетхон илҳоми

ҲАЁТТИ ХИЖМАТЛАРИ

Тўртликлар

Бир ҳақиқатни ким айтар менга,
Саволим шуки, эй дўстим сенга,
Борми дунёда ўзбек каби халқ,
Танги ҳам меҳмондўст, меҳрибон қалб?!

Ердан кўкармас кўкатлар,
Осмондан нам тушмагунча.
Қилган ишинг чала бўлар,
Вақти етиб пишмагунча.

Оёғингни узат кўрпанга қараб,
Билмаганини ўрган билгандан сўраб.
Йўл юрганга юрган кўзингга қараб,
Нотаниш манзилага етасан сўраб!

Авлиёлар асли узоқини кўрар,
Кўзингга бир қараб дилингни билар.
Гаплашсанг, ширали-мазали сўхбат,
То ўлгунингча, ёдингда қолар.



Камтарга камолдир, манманга завод,
Кўп қийнайди мени оддий бир савол:
Савоб ишни қилиш шуччалар қийин,
Ёмонлиқни қилиш оддий бир ўйин.

Байрамдурди САПАЕВ,
Физика-математика фанлари доктори,
профессор

“English home” ёхуд чойшаб дўкони

Луқма

Яқинда шахримизнинг Амир Темур кўчаси, Олой бозори яқинида бир отахоннинг атрофга олазарак бўлиб тургани мени бефарқ қолдирмади. Балки бирор ёрдам керакдир, деган фикрда отахонга яқинлашдим.

— Қизим, менга кийим тозалайдиган, хаҳ, номи нимаиди, химчиска керак эди. Манзилни айтишганди, ҳеч тилим айланмапти, — деди отахон. Мен бобога ёрдам бериш мақсадида турли дўконлару хизмат кўрсатиш шохобчаларини ўз бағрига олган бинодаги ёзувларни қаторасига ўқишга киришдим: Мир обувь, САКЕ, Sasha Fabiani, Аты-Баты парад обувь, Beatu VEGA, Avin tex, Melisara, Chanel, Vembli детские товары...

Хўш, мана шу номлардан сиз бирон нарса тушундингизми? Рус ва инглиз тилларида ёзилган бу номларни кўриб, очини, қаерда эканлигини ҳам унутдим. Биргина “Vodom” деб номланган миллий таомлар емоҳонасини ҳисобга олганда хориж тилида ёзилган ушбу номларни айтишга тилингниз айланмаслиги шубҳасиз. Тўғри, бошқа тилларни хурмат қилиш, тил ўрганиш таъқиқлаб қўйилмаган ва ҳаммиса қўллаб-қувватланган. Аммо турли хизмат кўрсатиш шохобчаларини чет эл номлари билан аташ орқали бирор тилни ўрганиб бўлмайди-

ку. Орамизда жуда кўплаб хорижга бориб келганлар билан сўхбатлашганимда чет элларда бундай атамалар фақат уларнинг ўз ёзуви ва ўз тилларида ёзилганини айтишди.

Жойларнинг номланишидаги бундай чалқашликлар, албатта, она тилимизга, она юртимизга хурматсизликни англатади. Ахир Ўзбекистонда яшаётган бўлсак нима учун хориж тилларидаги номлардан фойдаланишимиз керак. Қолаверса, дори-хона, дўкон ва ошхоналарга Америка, Франция, Туркия ёки Россия давлатларидаги дарё, шаҳарлар номининг нима алоқаси бор. Балки шундай ёзилса, у ерларга хорижликлар кўп ташриф буюришар деб ўйларсиз. Агар вақтининг ярим соати ўша бино олдида ўтганини ҳисобга олсам хизмат кўрсатиш шохобчаларию дўконларга бирор хорижликнинг мурожаат қилганини кўрмадим.

Машиналар қатнайдиған йўллардаги СТОП белгиси барчамизга яхши таниш. Лекин жуда кўп жойларда аввал “stop” кейин эса унинг таржимаси “тўхта” сўзи ёзилган. Ахир, аввал “тўхта” деган ёзув ёзилиб сўнгра “stop” — таржимаси берилмайдими? “Мы открылся Плов” деган эълонни ҳам кўп учратганмиз ва бизни бефарқ қолдирмаган. Уни таржима қиладиган бўлсак ўзбекчаси: “Палов биз

очилдик”. Ахир шуни “Палов” ошхонасига хуш келибсиз” ёки “Палов”га марҳамат” деб ёзишининг имкони бор-ку!

Ёки марказий кўчаларнинг биридаги “Игрушки кубик-рубик” — “Совғалар дунёси” дўконининг номланишига эътибор беринг. Бу ерда биринчи ўринда кўрсатилаётган “Игрушки кубик-рубик” ёзуви-га ҳожат йўқ аслида. Яна бир “THE CLASS EDUCATION ўқув маркази” деб ёзилган баннердаги номни қандай тушуниш мумкин. Яримингизга, яримингизга ёзилган ўқув маркази соф ўзбек тилида номланса ва ўзбек тилида ёзилса бўлмай-дими? “ORTOLIFE ортопедический обувь” — махсус оёқ кийимлар сотиладиган дўкон шундай номланади. Инглизчани ўқий олмайдиган ёки тиббиёт терминини яхши тушунайдиганларни кираверишда таржимон кутиб олса қошқийди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, “Улкан Burger”, “Vega dolce italia”, “Makros мебель” каби ҳар хил тил ва ёзувда номланган бу атамаларни назорат қилиш вақти аллақачон етмадиммикан?

Ҳа, айтганча отахон излаётган манзил “Кристалл” кимёвий тозалаш маъиш хизмат кўрсатиш уйи, яъни химчистка, “English home” (инглизлар уйи) — чойшаб сотиладиган дўкон ёнида экан. Яна савол туғилади: чойшабдан фақат инглизлар фойдаланадими?

Барно СУЛТОНОВА

“DUGONALAR”

Бошланиши биринчи саҳифада.

Расулуллоҳ алайҳиссалом бошқа бир ҳадисда: “Албатта, аёллар эркаларнинг ярми(шериги, туғишганлари)дир”, — деганлар (Имом Абу Довуд ривояти). Ушбу ҳадиси шарифга биноан, Ислом шариасти аёлларни ҳар қандай ҳолат ва ишларда эркаларга шерик қилган десак, тўғри бўлади. Зеро, аёл фарзандларни тарбиялаш борасидаги хизмати оилани мустаҳкамлаш йўлида ҳам эркаларга ҳамроҳ эканидан далолатдир. Эр-хотин ўзаро иноқ бўлган оиладан суннати набавий кўрсатиб берган йўлга мувофиқ гўзал хонадон пайдо бўлади. Бундай хонадонлар эса жамият биносини барпо қилишда муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли ҳам аёл жамиятнинг ярми дейилади. Балки, аёл ярминдан ҳам кўпроқ улушга эга. Зеро, аёл бу — она, рафиқа, қиз ва опа-сингилдир.

Аёл — қалб гавҳари. Аёл борки, олам мунаввар. Она — меҳрибонлик тимсоли! Унга яхшилик қилиш эса дунёда бахт, охирада саодатга эришиш сабабларидандир.”

Шунингдек, журнал саҳифаларидан Эшқобил Шукурнинг “Топтинг чу аёл яхшилик еткурғил”, Қозоқбой Йўлдошининг “Аёл маънавияти”, Шомирза Турдимовнинг “Одам Ато ва Момо Ҳаво учрашган кун”, Абдулкарим Бахриддиннинг “Аёл Аллоҳнинг сиридир”, Қутлибека Раҳимбоевнинг “Бунча оз севабиз, ёмон севабиз?!” каби мақолалари ўрин олган. Шунингдек, севишли шoirларимиз Эркин Воҳидов, Саида Зуннунова, Азим Суён ва Салим Ашурнинг ижоди намуналаридан баҳраманд бўласиз. Стефан Цвейгнинг “Номаялум аёл мактуби” асаридан парча, атоқли шоира Зулфия ҳақидаги “Сўзлардан тикланган нафис салтанат” номли мақола ҳам сизни бефарқ қолдирмайди. Бир сўз билан айтганда, “Dugonalar” журнали юртимиз қизлари, аёллари ва оналарининг чинакам минбарига айланади, деган умиддамиз.

Б.СУЛТОНОВА

Азим СУЮН

ДАХЛДОР ШОИРМАН АХЛИ БАШАРГА

ПОЙДОРЛИК

Қай бир халқ Ватани қорли ўлкадир, Қай бир халқ Ватани бесарҳад ўрмон.

Қай бир халқ Ватани тоғли, улқандир, Қай бир халқ Ватани серорол уммон.

Қай бир халқ Ватани атайдир жаннат, Қай бир халқ Ватани ҳар ҳидоятлик.

Амал эмас, орзу-ният абадий, Инсон эмас, инсоният абадий.

Курраи арз ичра юртим муҳташам, Қай бир гиеҳда онам иси бор.

МЕН — ЕРЛИКМАН

Ё қайтарман, ё қайтмасман: шахид, гозий, Кучоғиндан учиб кетдим қанот ёзиб,

Нима қилай, тинч қўймайди ҳур тафаккур, Зулматларни ёндиради нур тафаккур.

Юлдузлардан юлдузларга ўташман, Ёт сайёра бағирларин титаяшман.

Ерим — тангрим, наҳот сенинг монандинг йўқ, Мен истаган Ҳаёт, ҳаво — маънабинг йўқ.

Қайташман, о, ассалом, Ота Ерим, Она Ерим, исларингни соғиндим дим.

ЧЕГАРА

Ер шарининг асл чегараси бор, Фазовий чегара, самовий сарҳад.

Не тафаккур қилди, еттай қўллари, Қоинот оралаб юрибди бутун.

Нечун бу сарҳадлар, деворлар нега? Сим ўрамалар — жазойи ўлим?

Туроб НИЁЗ

ОРЗУ БИЛАН ЯШАЙДИ ИНСОН

БАҲОР

Бойчечак очилди биринчи бўлиб, Кейин боғлар гулга кетди-ку тўлиб.

Яна пайдо бўлди сенсиз жилғалар, Гоҳ ёмғир ёғса, гоҳ кўёш жилмаяр.


Қадирғочлар рақси тинмайди бир зум, Арлар бол тоғиб, қилади базм.

Сойларнинг сувлари бўтана, шошқин, Селларнинг забтидан дарёда тошқин.

Яна куртак ёзиб, гуллади дарахт, Шўх еллар бағрида куйлади дарахт.

АҲИЛЛИК

Қозоқ, қирғиз, тожик, ўзбеклар, Бир дарахтнинг кўркам шоҳлари.



Инсон қалбин эркин сақлагил, бироқ, Қабохат тилларин чиқарма қиңдан.

Чегара нелигин билмайди қушлар, Чегара нимадир азим дарёга?

Биламан, ҳар халқнинг ўз Ватани бор, Ҳар миллат Ватани ўзига жаннат.

Энг буюк ҳазина — кўзлар тўқлиги, Одамзод кўзларин тўқ қилгил, Тангрим!

Чегара... чегара... кўзгар нафратим Мен озод бир қушман, учмоқ истаيمان.

Менинг шоирона орзуларим мўл, Опоқ булутларни қилурман гилам.

КИМ КҮРИБДИ

Ким кўрибди сайёр — қанту оилқў ёнқд Бир оворасин,

Тараққиёт, шашт Бутун Ер шарин Боғлаб ташладилар Вақту Маконда.

Эрталаб боғимда Узилган гилос, Тушлиқда безайди Рус дастурхонин.

Она Сайёра, бу Кўкаймда жо, Ҳар бир гиеҳининг ўзи менга тот.

Улар қанча бўлсалар иноқ, Ташвишлари камаяр шунча.

ДАЛАЛАР

Бепоеъ далалар, чексиз далалар, Шамолда мавжланган денгиз далалар.

Боладигим ўтди кучоғингизда, Изларим қолгандир пучмоғингизда.

Кўрмасам, соғинчим сизмас дилмига, "Йўқ, кетдим!" сўзлари кўчар тилимга.

Юрагимга гурур кўчади, Нигоҳимга тўлади ҳайрат.

Бибиҳоним ва Шохизинда, Гўри Амир, Шердор... минорлар — Мўъжизалар эрур заминда.

Кўнглинг тоза бўлса, Очқидир ҳар юз, Қора юрак билан юрма, биродар.

Барҳақ, мен даҳоман! Хур, эркин фарзанд! Дахлдор шоирман аҳли башарга.

ЭЗГУЛИК ЙЎҚОЛМАС...

Эзгулик йўқолмас ва ёвузлик ҳам, Ёруғлик йўқолмас, қоронғулик ҳам.

Чегара нелигин билмайди қушлар, Чегара нимадир азим дарёга?

Ювенал қамчисин бер менга, Тангрим! Пўстақдай савалай назмбозларни,

ЮВЕНАЛ ҚАМЧИСИН...

Ювенал қамчисин бер менга, Тангрим! Пўстақдай савалай назмбозларни,

Гар қосиб ҳунари ҳиммату ҳикмат, Ўз касби ишига қилмас хиёнат.

Бу-бу шеъртозлар-о... ўйламас асло, Асл шеърятда не мазмун, маъно.

Ростини айтсам гар, қўнқидир қазбоқ, Кимдандир ўғирлар сатр, байт ё боб.

Тўқинлар... овозбоз қошига чопар, Қайдандир отарчи нағмагар топар.

Ҳа, тинчликми? — Қоч йўлимдан.

Мирсафо кун бўйи эски таниши ҳақида ўйлабверганиданми, бир қоп туршак ташвиши.

ОМОНАТ

риштирди. Дарагини топмади. Охири бир кун аёлига ёрилди:

— Туршакни нима қил дейсан, хотин? — Эгаси сўраб келса... — Сени чиқариб бераман! — қуюшқондан чиқди эр.

Хизрни йўқлагандай қаршисидан Ҳомид савдогар чиқиб қолса-я! Елкасидан тоғ қуларди.

Кўп йиллар бурун тасодифан бозор эшигида учрашиб қолган савдогарнинг йўли бу томонларга тушса, албатта, Мирсафони йўқлаб келар.

Аммо ўшандан буён Ҳомид савдогар бу томонларга қадам босмади.

“Е, ранжидимкин? Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Бирор дардга чалинмадимкин? Тинч, омонмикин ишқилиб?”, ўйлади Мирсафо.

Ҳомид бесабаб бундай қилмасди. Аммо қилдириган бир қоп туршаги уни тириклик икки ўтнинг орасига ташлади.

У худо ўзи кечирсин, шу кун Мирсафо туршакни пуллади. Пулни белбоғига тугиб, бозор айланди.

Мирсафо кун бўйи эски таниши ҳақида ўйлабверганиданми, бир қоп туршак ташвиши қаттиқ чарчатди.

— Ҳа, тинчликми? — Қоч йўлимдан.

Мирсафо кун бўйи эски таниши ҳақида ўйлабверганиданми, бир қоп туршак ташвиши қаттиқ чарчатди.

ИНДАМАЙСАН

Индамайсан, сукут сақлайсан, Кўзларинг ҳам ерга қадалган.

Мени қандай севишинг айт, Яшолмайман мен сизсиз дегил...

ТҮРТЛИКЛАР

Бу дунё шунақа — тўксис бўлмайди, Шунданми, бу ҳолга ўксис бўлмайди.

Сув қадри қақраган чўлда бидинар, Оққуш гўзаллиги қўлда бидинар.

Атрофга қарасанг — турли одамлар, Истараси иссиқ — нури одамлар.

Мана, тоғди ҳам. Бироз тараддуланиб тургач, астойдил қоқайтган дарвоза савдогар танишининг эшиги эмаслигини, ўзининг уйи рўпара-сида турганини пайқаб қолди.

Кечкурун эрининг тагин тунд кийфасини кўрган аёли ўзини тутиб туролмади:

— Яна азами? — деди норози бўлиб. — Қуриб кетсин ўша қандақфуруш. Келса, ана, бирмас, ўн қоп туршак олиб кетсин, келмаса ўша туршаги ордона қолсин, қанақа одамсиз ўзи! — жаврай кетди.

Мирсафо жим ўтираверди. Хотин эотиға нима? Эски китобларда ёзилганидек, мўрт нарса.

— Дадамирзо Намангоний нақл қилган воқеани сенга айтганимдими, онаси? — деди ўзига келган Мирсафо.

— Ичингизда қолиб кетмасин... Кутилмаганда Мирсафонинг юзи ёришгандай бўлди:

— Чортоқ томонларда ўзига тўқ бир бадавлат киши ўтган экан, — дон-дона қилиб бош-

лади Мирсафо. — Улимидан олдин уч ўғлини қошига чорлаб, тўрт кўза олтинни кўрсатиб, мендан кейин бунинг тенг бўлиб олинган, деб васият қилибди.

— Олтинлари ақдан оздирган экан-да чолни, тавба! — қўлларини ёқасига олиб борди Мирсафонинг хотини.

Мирсафо ёнаётган оловдан кўзини узмади: — Қазоси етиб ота вафот этибди.

— Ё тавба, ё тавба! — Мирсафонинг аёли ёқасини ушлади.

— Бир кеча нима? — Эр хотинига эйтибор бермасдан давми этди: — Утинчи арқонини белига бойлаб, қабрга кириб ётибди.

— Олтин олмай-а? — Мирсафо ҳаммади: — Марҳумнинг ўғиллари унинг ортидан чопармиш, “Бир кўза олтин сеники”, дея, “Ахир, келишганимиз-ку?”

— Олтин ўзларингга сийло! — қочармиш ўтинчи.

— Тўхта, қандай одамсан ўзи? — дейишибди охири ака-укалар ҳолдан тойиб.

— Тонг отгунча бир қулоч арқонни қаердан олганимнинг жавобини бера олмадим-у, бир кўза олтиннинг бошимга ураманим”, деб қочармиш ўтинчи.

Орага жимлик чўқди. Мирсафонинг аёли кўпдан бери эри нимадан бунчалар озор чекаётганини энди сал пайқагандай бўлди.

— Олмоқнинг бермоғи, ёмоқнинг қусмоғи борлиги рост экан-да, دادаси, — деди. Чоли индамади.

Йўловчи доғруғи узоқ-узоқларга доғру кетган шарқона бозорнинг шовқин-сурон расталарини орда қолдириб, кунботарга қараб кетди.

У ҳали олдинда, тўғрироғи, ичкарида ўзини нелар кутаётганини билмасди. Отасининг таниши Ҳомид савдогар бир неча йил бурун қазо қилиб кетганини, савдогар ўлимидан олдин фарзандларига Мирсафо деган таниши ҳақида гапирганини, унга атайин бир қоп туршак қолдириб келганини, бу Парвардигорнинг омонати — шу боис қадрдонлик ришталари узоқ-узоқ йиллар узилмай давом этиши керак, дея бола-ларига васият қилганини билмасди.

Йўловчи бир муддат туриб қолгач, яна дарвозани қоқа бошлади.

Ичкаридан тўлақандан келган, эпчиллиги юз-кўзидан кўриниб турган киши останада икки-лабиб турган кўноқ отасининг кўп йиллик таниши Мирсафо амакиннинг ўғли эканини билгач...

Азиз меҳмон хурмати пойига жонлиг сўйди, тақаллуфлар қилди, эъвозлар кўрсатди.

“Сизни йўқлаб ўзим бораё деса, ҳар гал отам қолдириб келган бир қоп туршак кўз ўнгимдан ўтаверди, шунча ердан омонатини қистаб келибди деган ўйга боришмасин дердим, энди йўл очик, туршак андишаси йўқ”, деди Ҳомид савдогарнинг ўғли дастурхон устида қулиб.

Йўловчи бу хабар билан узоқ йўл босиб уйига кириб келганда ҳолдан тойган, касал отаси тўшқандан туриб кетишини ҳали билмасди.



Нимагадир йиғлагим келар, Обидалар қонига тўйиб.

Доимо яшилсан — турарсан яшнаб, Ҳукмин ўтказолмас сенга ҳеч фасл.

Инсон кўнглига ҳам ўхшаб кетасан, Кўнгли ҳам қаримас — доим навқирон.

Инсон кўнглига ҳам ўхшаб кетасан, Кўнгли ҳам қаримас — доим навқирон.

ТАСТРОЛТА КЕЎТДАН ТУЯЛАР

ёхуд бугунги ўзбек циркига бир назар

Мулоҳаза учун мавзу

Хар йили авжи баҳор фаслида Халқаро цирк кунини нишонлашнинг биласизми? Умуман, қачон охириги марта циркка бордингиз? Бу саволга жавоб бериш учун болалик даврига қайтишимиз керак чоғи.

Бугунжаҳон цирк федерацияси томонидан Халқаро цирк кунини таъсис этилиши замирида ҳам бу санъат турини янада омалаштириш, мухлислари доирасини кенгайтириш мақсади қўзланган бўлса ажаб эмас.

да ўтирган ёш томошабинларнинг тенгдошлари ҳам бор. Учинчи синф ўқувчиси Далер Хамитов баланд арқон устидаги акробатик ўйинларни ижро этиб ҳаммани ҳайратга солган бўлса, эндигина етти ёшга қаршилаган Томаҳон Давлатова кучукчаларини гир айлантириб, турли қилиқларни намойиш этди.

Цирк артистлари барча ҳаракатларни осонлик билан бажарётгандек кўринса-да, аслида ҳар бир чиқиш ортда машаққатли меҳнат, узоқ йиллик изланишлар борлигини ҳис этасиз. Бола-

қанд, Бухоро каби шаҳарларда ҳам шундай байрамларни ўтказиш аънамага айланади.

Маданият вазирлиги қарамоғидаги муассасада ҳозирги вақтда уч юз эллик нафарга яқин ходим фаолият юритмоқда. Уларнинг икки юз элликдан зиёди ижодкорлар. Цирк коллежини битириб, катта жамоага қўшилиётган истеъдодли ёшлар ҳам талайгина. Бироқ Рустам ақанинг айтишича, уларнинг ҳаммаси ҳам профессионал йўлдан кетаётгани йўқ. Ақсар ёшлар кейинчалик санъатнинг бошқа турларига, масалан, тез танилиш имконини берадиган эстрада йўналишига ўтиб кетмоқда.



минг мухлисига мўлжалланганига қарамай, кўп ўриндиқлар эскириб, носоз ҳолатга келиб қолган. Қизиқарли томоша кўриш илминда келган мактаб ўқувчилари буларга эътибор бермаслиги мумкин. Лекин залдаги ёқимсиз хид уларга хуш келмаслиги аниқ. Ваҳоланки, санъат муассасаси нафақат ижодий томондан, балки ўзининг қиёфаси, файли муҳити билан ҳам томошабинларга завқ бағишлаши лозим.

Назаримизда, томоша майдонининг кўриниши ҳам кўнгилдагидек эмас. Хориждаги цирк усталарининг чиқишларини кўрганимизда томоша майдони ҳавасни уйғотадиган даражада ярақлаб туриши, ўзига хос дизайнга эгалиги билан эътиборни тортади. Бироқ мамлакатимиздаги ягона цирк аренаси бу талабларга тўлиқ жавоб беради, деб айтиш қийин. Унда ўрнатилган турли анжомлар ҳам анча эскириб қолган. Бу ҳолат томошаларнинг ижодий савиясига салбий таъсир кўрсатиши билан бирга, уларнинг хавфсиз ўтишига тўсиқ бўлиши мумкинлиги кишини хавотирга солади.

Цирк жамоасининг захматкаш аъзолари орасида кўлга ўргатилган ҳайвонларнинг ўндан эъдиб турлари, Африка даштларию Сибир ўрмонларида яшайдиган ноб ҳониворлар борлигини ҳам унутмайлик. Байрам дастурида уларнинг чиқишларини ҳам кутган эдик. Бироқ цирк маъмурияти бизга берган жавобга кўра: "Асосий ҳайвонлар гастролга кетган". Таъмирталаб цирк биносидан улар қандай аҳволда сақланмоқда? Ҳайвонлар учун керакли шaroитлар яратилганми? Бу саволларга жавоб топмоқчи эдик, бироқ ҳониворларга ажратилган жойлар билан танишиш имкони бўлмади. Фақат шуни билдикки, от ва туяларни ҳисобга олмаганда, ҳозир фил, айиқларни боқиш учун имконият йўқ экан. Фикримизча, бу алоҳида бир мақола учун мавзу бўлиши мумкин.

Цирк ижодкорлари фаолият юритаётган шароит билан бирга мухлислар эътиборига ҳавола этилаётган томошалар савиясини ҳам жиддий кўриб чиқиш вақти келганга ўхшайди. Томошалар болаларга хурсандчилик улашиш баробарида уларнинг дидини ҳам шакллантириб бориши керак. Масалан, болалар учун мўлжалланган дастурларда балоғатга етган қизларнинг йиртиқ-ямоқ шимларда беўшхов ҳаракатларни ижро этиши тўғрими-кан? Замонавий оҳанглар, гайритабиий шоулар меъёридан ошса, цирк санъати ўзининг асл жозибасини, гоъий кучини йўқотиб қўяди. Яъни томоша томоша учун эмас, маънавий тарбия учун хизмат қилсин.

Бинонинг томошабинлар учун мўлжалланган кенг ва ёруғ йўлақларини айланаркансиз, деворларга ишланган ўймакор нақшлар, монументал ижод намуналарига қараб кўз қувнайди. Ҳақиқий кўргазма залларидан қолишмайдиган бу катта майдон хувиллаб ётгани бизни ажаблантирди. Аслида бу ерда ўзбек циркининг тарихи, ривожланиш жараёнлари, машҳур санъаткорлар фаолияти ёритилган кўргазмали воситалар туриши керак эмасми?! Бино фойсесидан турли егуликлар савдоси билан бирга машҳур цирк сулоалари, шу мавзуга оид қизиқарли буклет ва рисоаларни ҳам тарқатиш мумкин. Бу болаларнинг билим доирасини кенгайтиради, цирк тарғиботи учун хизмат қилади. Шунингдек, мазкур жойда цирк санъатига бағишланган кўргазма ва тадбирлар ўтказиш, бадиий адабиётлар савдосини йўлга қўйиш учун қулай имконият бор. Боси, бу ер доимо ёш томошабинлар билан гавжум.

Байрам кунини, одатда, муаммолар ҳақида гапирилмайди. Томоша зали болалар билан тўла, ёрқин чиқишлар бор, ҳамма хурсанд... Бир қарашда цирк ўз зиммасидаги вазифани бажармоқда. Лекин бу юқоридagi муаммолардан кўз юмиб, "алдагани бола яхши" қабилида ишнинг давом эттириши мумкин, дегани эмас. Цирк санъати мамлакатимиздаги энг илғор, пешқадам ижодий соҳалардан бири бўлиши зарур. Бунга мутасадди ташкилотлар, аввало, Маданият вазирлиги жиддий эътибор қаратишини истардик. Токи бу санъат тури нафақат болаларни, балки катта ёшдаги томошабинларни ҳам жалб қила олсин. Балки шунда "Қачон охириги марта циркка бордик?" деган саволга ўрин қолмас.

Азизхон ИМОМОВ



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32

Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru

Бош муҳаррир

Ўқтам МИРЗАЁР



Таъкид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ

Навбатчи муҳаррир — Барно СУЛТОНОВА

Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.

Босмаҳона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.00

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган.

Адаби — 4861. Буюртма Г — 482.

Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.

Нашр кўрсаткичи — 222.

Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X



Сайтнинг ушбу учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ОҒЗИНГГА ҚАРАБ ГАПИР

"Туркистон"нинг 36-сонида "Мухбирларимиздан" биттаси бир нарсани ёзибдирдим, ўқиб кўриб нах мухбирнинг оғзини ёриб юборгум келди.

Ахир, уйнинг куйгур, сағал оғзингга қараб гапир-да:

— "Исрофлик тўй..." "Самарқандда ўрток

Курби ўғулларини кестирди, уч-тўрт кун тўй берди, бир-икки миллиард пул

кетди... Тўйга исроф қилган ақчасини "Кўмак" уюшмасига берганда фалон бўларди..."

Заб қурақда турмаган ваҳмаларни қилибсанда, нини! Сенинг "Кўмак" уюшманг бизнинг мулла Курбининг кори хайрига қанча кўмак берди? Оғзинг бўлса гапир-чи, бетийиқ! Ва ё бу вағир-вуғуринг мулла Курбининг тўйига қилган тўёнангми? Хайф сенга-э!

Самарқандлик мулла Курби билан камина — тошқандлик мулла Жулқунбойни оналари нима учун туғиб ташлади? Доғамиз нима деб танглайимизни кўтарди?

— Яхши бойларга куёв бўл, увалик-жувалик бўл, ўғулларингнинг тўй-томошасини кўр!..

Аммо "Тўй қилатурган пулингни "Кўмак" га бер!" дейилмабди-ку? Бас, шундай бўлгандан кейин биз ҳам беш кунлик дунёда бола-чақамизнинг орзу-ҳавасини кўрайлик. Чиқ эшикка-э, туф бетингга-э... Мухбир деган ҳар бир маза-бемазани хабар деб газетага ёзавермайди. Андиша керак, рия" керак. Агар мен шундақангги беандишалик қилиб ёзаберсам-чи, нах бутун Тошқандни кийиб юбораман. Тагин меним ёзганларимнинг энг кичкинаси туядек бўлур. Йўқ, мен сенларга ўхшаш беандиша эмасман. Агар мен беандиша бўлсам:

— Фалон даҳанинг бошлиғи, писмадончи ўрток ўзининг ёшгина хотунининг устига яна бир хотун олмоқ ҳаракатида бўлур юрганни яхши билман, шунинг ёзсам бўлмасми эди?

Агар мен риясиз бўлсам:

— Туппа-тузук ишбоши, яхшигина онги бор бир



тавия ўртоғим қайдандир пул топиб, иморат солди, унинг кетидан гуваладек пул исроф қилиб, ҳовли тўйи ҳам қилиб берди. Ўртоғимнинг қилган иши қил-қизил жиннилик, деб газетага ёзсам қўлимдан келмасми эди?

Агар мен андиша қилмасам:

— Эски шаҳардаги солинатурган театру биносининг мубоширлари кам харжу болонишин" деб "Жангоҳ"га солиб берган театруларида қурбақалар театру бошладилар" деб хабар ёзмамми эдим?

Агар Эски шаҳардаги пули кўпайган хунасаи нотантиларнинг бир оз андишалари бўлса:

— Беш кунлаб айқиртириб қилган тўйимизни, ўн миллиардлаб тўйга қилган исрофимизни маҳалламиздаги кўксини заҳга бериб ёткан очоғриққа бериб, олқишларини олсақ бўлмасму? — деб андиша айламасми эдилар?

Хар ҳолда оғизга қараб гапириб керак. Бунинг устига бир чимдим андиша ҳам керак! Сўз узоқ эрди, мухтасар қилдик. Ёмон кўб эрди, муттаҳам қилдик. Ҳозирча хайр:

Жулқунбой "Туркистон" — 1922 йил, 26 декабр, 41 сон

* Рия — уят.

* Кам харжу болонишин — харажати оз, кўриниши ҳашаматли.

* Бу кичкинагина театр Эски жўвадаги болалар театрининг жанубий ёнбошида бўлган, 1940 йилда бузиб юборилган.

КУАДИРАДИ, КҮЙДИРАДИ...


Таниқли мусаввир Маҳмуджон Эшонқуловнинг Тошкент Фотосуратлар уйида "Карикатура қулдиради, куйдиради" деб номланган ижодий кўргазмаси очилди. Ерқин рангларда чизилган ҳаётий расмлар томошабинларни аввал қулдириб, сўнг мушоҳадага чорлайди. Турмушда учраб турадиган иллатлар акс этган "Нима керак?", "Келинг, марҳамат...", "Тангога чал!", "Дала шийпони" сингари ўнлаб расмлар кўпчиликда қизиқиб уйғотди.

"Бозорнома" деб номланган суратлар тўпламида аёли бозорда, уйда эса болаларга қараб ўтирадиган айрим ялқов эркаклар мўйқаламда ҳажв қилинган.

— Маҳмуджон карикатуранинг барча йўналишларида бемалол чизади, — дейди таниқли расмол Акром Баҳромов. — Унинг расмлари сўзсиз гапирди. Рассомнинг глобал муаммоларга бағишланган асарлари ҳам жуда қизиқарли. Карикатура жанри ул-



Нигоҳ



Забинисо СОАТОВА, ўқитувчи

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистон халқ артисти, режиссёр Шухрат АББОСОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбекфильм" акциядорлик жамияти Ўзбекистон санъат арбоби, Ўзбекистон халқ артисти, профессор Шухрат АББОСОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон давлат консерваторияси жамоаси Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи, доцент Эльнора Мамажоновга отаси Ўлмас МАМАЖОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.